

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М

(қарорини тушунтиришни рад қилиш тўғрисида)

Қарши шаҳри

18 январь 2024 йил

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида раислик қилувчи Д.Рахимов раислигида, ҳайъат аъзолари М.Бозоров ва Н.Хўжақуловдан иборат таркибда, Б.Холмуродовнинг котиблигида, аризачи “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамияти Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 19 декабрдаги қарорига тушунтириш бериш ҳақидаги аризасини аризачи “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамияти вакили Ғ.Жалилов (2024 йил 4 январдаги 19-сонли ишончнома асосида), АТБ “Агробанк” вакили О.Абдирашитовнинг иштирокида вилоят суди биносида видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида иш ҳужжати билан ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят бошқармаси даъвогар АТБ “Агробанк” манфатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “MIRISHKOR TEXTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамияти ҳамда қўшимча жавобгар “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан муддатидан олдин 57 067 999 сўм асосий кредит қарз, 1 506 723 177 сўм муддати ўтган кредит фоиз қарздорликни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, даъво талабининг жавобгар “MIRISHKOR TEXTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан қисми кўрмасдан қолдирилган.

Қўшимча жавобгар “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар АТБ “Агробанк” фойдасига 35 270 000 000 сўм асосий кредит қарз, 1 506 723 177 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 33 000 сўм почта харажати, республика бюджетига 735 534 463 сўм давлат божи, даъвогар АТБ “Агробанк” ҳисобидан 435 959 981 сўм давлат божи ундирилган.

Даъвогар томонидан берилган апелляция шикоятда суд ҳал қилув қарорининг давлат божи ундириш қисмини бекор қилиш, қўшимча жавобгар томонидан берилган апелляция шикоятда эса ҳал қарорини бекор қилиш сўралган.

Апелляция инстанциясининг 2023 йил 19 декабрдаги қарори билан даъвогар АТБ “Агробанк”нинг апелляция шикояти қаноатлантирилиб, қўшимча жавобгар “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятининг



апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этиган, Касби туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, ҳал қилув қарори хулоса қисмининг “даъвогар “Агробанк” АТБ ҳисобидан республика бюджетига 435 959 981 сўм давлат божи ундирилсин” қисми “жавобгар “MIRISHKOR TEXTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 435 959 981 сўм давлат божи ундирилсин” деб ўзгартирилган ва қўшимча жавобгар “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига ишни апелляция инстанция судида кўриш билан боғлиқ 585 747 222 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Аризачи “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамияти суднинг 2023 йил 19 декабрдаги қарорининг қўшимча жавобгардан давлат божини ундириш билан боғлиқ қисми бўйича тушунтиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамияти республика бюджетига 735 534 463 сўм давлат божи ундирилганлигини, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга кўра апелляция ва кассация шикоятлари учун биринчи инстанция суди учун тўлаб чиқилиши лозим бўлган давлат божининг 50 фоизи тўланишидан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси ҳам 735 534 463 сўмнинг ярмини ундириши лозимлигини, қарор билан 585 747 222 сўм ундирилганлигини тушунмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили суднинг қарорида давлат божи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси асосан тарафлардан мутаносиб ундирилганлигини билдириб, қарорда тушинмайдиган ҳолат йўқлигини билдириб, аризани рад этишни сўради.

Иш ҳужжатларига кўра, банк ва жавобгарлар ўртасида 2021 йил 22 ноябрь куни 358-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ “Банк” “Қарз олувчи”га 2022 йилда пахта хомашёсини етиштиришни молиялаштириш учун 58 784 000 000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилиб, 1.2-бандида қарз олувчи эса олинган кредит маблағини мазкур кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олган.

Тарафлар ўртасида 2022 йил 10 ноябрь куни тузилган 09-сонли кафиллик шартномасига асосан кредитнинг 58 784 000.000 сўмга нисбатан қисми бўйича 35 270 000 000 сўмга қўшимча жавобгар “NIL-GRANIT” масъулияти чекланган жамиятининг кафиллиги қабул қилинган.

Шартномага мувофиқ банк томонидан кредит шартномасида кўрсатилган кредит ажратилган бўлса-да, жавобгар томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар ўз вақтида лозим даражада бажарилмаган.

Касби туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, даъво тарбиянинг жавобгар “MIRISHKOR TEXTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан қисми кўрмасдан қолдирилган.



Касби туманлараро иқтисодий судининг 4-1805-2302/1292-сонли иқтисодий иши бўйича 2023 йил 12 июлдаги ажримига асосан жавобгар “MIRISHKOR TEKSTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан умумбелгиланган тартибда банкротлик иши қўзғатилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг жавобгарга нисбатан қисми бўйича кўрмасдан қолдириш тўғрисида қонуний тўхтамга келган бўлиб, даъво аризаси палата томонидан 2023 йил 6 июлда имзоланган пайтда жавобгарга нисбатан банкротлик иши қўзғатилмаган.

Жавобгар томонидан кредит шартномаси мажбуриятлари бузилганлигини туфайли даъвогар кредит қарздорликни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган бўлиб, бунда даъвогарнинг айбдорлик ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида хусосага келинган.

Шу сабабли даъвогар АТБ “Агробанк” ҳисобидан 435 959 981 сўм давлат божи ундириш қисми бекор қилиниб, жавобгар “MIRISHKOR TEKSTIL GROUP CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 435 959 981 сўм давлат божи ўзгартирилган.

АТБ “Агробанк”нинг апелляция шикояти қаноатлантирилиб, “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамияти апелляция шикоятини эса қаноатлантириш рад этилган.

Шу сабабли “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан ишни апелляция инстанция судида кўриш билан боғлиқ 585 747 222 сўм давлат божи республика бюджетига ундириш белгиланган.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 190-моддаси биринчи қисмига асосан, ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, зиммасига суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақлидир.

Қабул қилинган қарорда қўшимча жавобгардан мутаносиб равишда республика бюдежита давлат божи ундирилган бўлиб, давлат божи ундиришда ноаниқликлар мавжуд эмас.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятининг қарор юзасидан тушунтириш бериш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришни рад қилишни, “NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан Олий суд депозит ҳисобрақамига аризани видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85.000 сўм суд харажатини ундиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 190, 195-моддаларига асосланиб, суд

ажрим қилди:

“NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятининг Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция



инстанциясининг 2023 йил 19 декабрдаги қарорига тушунтириш бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантириш рад этилсин.

“NIL GRANIT” масъулияти чекланган жамиятидан Олий суд депозит ҳисобрақамига аризани видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85.000 сўм суд харажати ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Д.Рахимов

ҳайъат аъзолари

М.Бозоров

Н.Хўжақулов

